


## ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2019 йил январь-июнь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 5020,2 млрд.сўм (доллар эквивалентида 0,6 млрд. АҚШ долл.) миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 91,1 фоизни ташкил қилди.

Инвестициялар ҳажми ЯХМ таркибидаги улуши 9,9 фоизни ташкил қилиб, 2018 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 10,1 фоизни ташкил қилди.

*Асосий капиталга инвестициялар йиллар бўйича динамикасини кузатадиган бўлсак, 2005 йилда – 0,3 трлн. сўм ёки 120,7 % ўсишини, 2010 йилда – 2,1 трлн. сўм ёки 73,7 % ўсишини, 2015 йилда – 4,1 трлн. сўм ёки 98,7 % ўсишини ташкил этган.*

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, фоизда**  
(январь-июнь)



Асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари Когон шаҳри (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 5,8 м.к., асосий капиталга инвестициялар ҳажми 184,5 млрд. сўм), Пешкў (2,7 м.к., 324,8 млрд. сўм), ҳамда Шофиркон (2,3 м.к., 161,4 млрд. сўм) туманларида кузатилди.


Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Бухоро шаҳри етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 30,5 фоизи ўзлаштирилди.

Шунингдек, Олот тумани жами инвестициялар ҳажмидан 14,3 фоизини, Ромитан тумани 13,1 фоизини ташкил этмоқда. Виждувон ва Пешкў туманида ушбу кўрсаткич мос равишда 7,1 фоизи ва 6,5 фоизини ташкил этди.

Қоровулбозор ҳамда Вобкент туманларида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг вилоятдаги улуши 1,5 фоизи ва 2,3 фоизини ташкил этди.

### Аҳоли жон бошига киритилган инвестициялар

(2019 йил январь-июнь ойларида)




2019 йилнинг январь-июнида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Олот тумани (7340,2 минг сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 24,1 фоиз), Бухоро (5504,0 минг сўм, 179,2 фоиз) шаҳрида, ҳамда Ромитан (4717,5 минг сўм, 121,9 фоиз) туманида қайд этилди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган**


	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати,%</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз</i>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>5020,2</b>	<b>91,1</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>804,4</b>	<b>420,4</b>	<b>16,0</b>
бюджет маблағлари	358,6	307,7	7,1
жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш	-	-	-
Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги хузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамгармаси	38,5	776,8	0,8
ривожланиш ва тараққиёт жамғармаси	33,7	-	0,7
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	373,6	535,0	7,4
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>4215,8</b>	<b>80,8</b>	<b>84,0</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	605,1	59,1	12,1
аҳоли маблағлари	875,6	118,1	17,4
тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	2157,1	77,9	43,0
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	578,0	82,4	11,5

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари**  
(январь-июнь)




Марказлашган молиялаштириш манбаалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ҳажми 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 420,4 фоизни ташкил этиб, 804,4 млрд. сўмга етди. Жами инвестициялар ҳажмида эса марказлашган молиялаштириш манбаалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ҳажмининг улуши 16,0 фоиз (2018 йил январь-июнида 5,2 фоиз) ни ташкил қилди.

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари**  
(январь-июнь жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда)



Шундан, бюджет маблағлари 358,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 307,7 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 7,1 фоиз), сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси 38,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 776,8 фоизни ташкил этди (умумий ҳажмдаги улуши 0,8 фоиз), Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар 373,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 535,0 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 7,4 фоиз).

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган  
молиялаштириш манбалари**  
(январь-июнь жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, %да)



Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган жами инвестициялар 4215,8 млрд. сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 80,8 фоизни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 84,0 фоиз) ташкил этди. Шундан жами инвестициялар ҳажмида энг кўп улуш тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар бўлиб, 2157,1 млрд. сўмни ташкил этди, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 77,9 фоизни ташкил қилди

(умумий ҳажмдаги улуши 43,0 фоиз), корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 605,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 59,1 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 12,1 фоиз), аҳоли маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 875,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 118,1 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 17,4 фоиз), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 578,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 82,4 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 11,5 фоиз).

### **Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби**

	<b>Жами инвестициялар, млрд.сўм</b>	<b>шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: (жами нисбатан, %)</b>						
		<i>Республика бюджет</i>	<i>Давлат мақсадли эсамгармалари</i>	<i>Корхона ва аҳоли маблағи</i>	<i>Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари</i>	<i>Хорижий инвестиция ва кредитлар</i>	<i>Тикланиш ва тароққийёт эсамгармаси</i>	<i>Болалар спортини ривожлантириш эсамгармаси</i>
<b>Бухоро вилояти<sup>1)</sup></b>	<b>5020,2</b>	<b>358,6</b>	<b>72,2</b>	<b>1480,7</b>	<b>578,0</b>	<b>2530,6</b>	<b>33,7</b>	<b>-</b>
Бухоро ш.	1532,9	132,5	33,7	121,6	140,3	899,0	33,7	-
Когон ш.	184,5	10,1	-	4,9	7,2	145,1	-	-
<i>туманлар</i>								
Бухоро	212,7	30,8	0,3	76,3	32,1	44,6	-	-
Вобкент	114,3	13,0	-	41,5	19,5	27,6	-	-
Жондор	257,4	19,7	-	58,2	69,9	84,6	-	-
Когон	235,5	6,3	0,1	77,2	23,7	65,4	-	-
Олот	717,9	14,4	38,0	94,5	57,0	502,5	-	-

<sup>1)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшиган ҳолда

Пешкў	324,8	16,1	0,1	63,8	34,0	202,8	-	-
Ромитан	656,2	23,6	-	67,9	17,0	379,7	-	-
Шофиркон	161,4	26,5	-	56,4	15,9	55,5	-	-
Қорақўл	191,6	27,7	-	56,7	23,0	70,7	-	-
Қоровулбозор	76,9	8,3	-	5,7	15,2	26,0	-	-
Ғиждувон	354,2	29,5	-	151,0	123,3	27,3	-	-


**2019 йил январь-июнда асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг технологик таркиби**

*млрд. сўм*

	<i>жами</i>	<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>
<b>Жами</b>	<b>5020,2</b>	<b>893,7</b>	<b>4126,5</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	56,7	68,0	54,2
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	37,7	29,3	39,5
бошқа харажатлар	5,6	2,7	6,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2018 йил январь-июнь ойларига нисбатан 16,3 пунктга камайган ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 24,5 пунктга ошган, бошқа харажатлар 8,2 пунктга камайган.

**Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**  
(январь-июнь)



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида юқоридаги диаграммада кўрсатиб ўтилганидек, ишлаб чиқариш саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1009,1 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 20,1 фоизи ўзлаштирилган. Шундан 435,6 млрд. сўм, ёки инвестицияларнинг 8,7 фоизи тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун йўналтирилган.

Шунингдек, асосий капиталга инвестицияларнинг энг кўп инвестиция ҳажмлари тоғ-кон саноатига 18,5 фоизи, уй-жой қурилишига 16,4 фоизи, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 16,1 фоизи, қурилишга 5,3 фоизи, ташиш ва сақлаш хизматларига 4,1 фоизи ва бошқа фаолият турларига 14,5 фоизи тўғри келади.

Турар жой қурилишига инвестициялар аҳолини намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган ва арзонлаштирилган уй-жойлар қурилиши бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳамда аҳоли томонидан яқка тартибдаги турар-жойлар қурилиши ҳажмлари билан боғлиқ.




**Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби**  
(жамига нисбатан фоизда)

	млрд. сўм	Умумий ҳажмдаги улуши, %
<b>Жами</b>	<b>5020,2</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
янги қурилиш	2496,9	49,7
кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш	2059,0	41,0
бошқа йўналишлар	464,3	9,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби бўйича умумий ҳажмдан янги қурилишга 2496,9 млрд. сўм ёки 49,7 фоизи, кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга 2059,0 млрд. сўм ёки 41,0 фоизи ва бошқа йўналишларга 464,3 млрд. сўм ёки 9,3 фоизи тўғри келади.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибида вилоят бўйича янги қурилишнинг улуши – 49,7 фоиз, кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантиришга харажатларнинг улуши – 41,0 фоиз, бошқа йўналишларга харажатлар улуши эса – 9,3 фоиз ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби**




**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган  
асосий капиталга инвестициялар**  
(январь-июнь)

	млрд. сўм	Жамига нисбатан улуши, % да	
		2018 й.	2019 й.
<b>Асосий капиталга инвестициялар - жами</b>	<b>5020,2</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	809,6	2,0	16,1
тоғ - кон саноати	928,4	61,5	18,5
ишлаб чиқариш саноати	1009,1	3,8	20,1
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	5,3	0,6	0,1
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	162,6	2,7	3,2
қурилиш	266,8	1,1	5,3
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	152,4	1,8	3,0
ташиш ва сақлаш	208,0	5,9	4,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	50,1	0,4	1,0
ахборот ва алоқа	26,2	0,2	0,5
молия ва суғурта фаолияти	17,8	0,1	0,4
таълим	165,9	0,7	3,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	104,5	1,0	2,1
жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	822,3	15,7	16,4
бошқа фаолият турлари	291,2	2,5	5,9

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: ишлаб чиқариш саноатида 1009,1 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 20,1 фоиз), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш 24,5 млрд.сўм (0,5 фоиз), тўқимачилик маҳсулотларни ишлаб чиқариш 63,0 млрд.сўм (1,4 фоиз), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш

фаолияти турида 4,8 млрд.сўм (0,1 фоиз), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 47,2 млрд. сўм (1,0 фоиз), металлургия саноатида 4,5 млрд. сўм (0,1 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 27,5 млрд. сўм, (0,6 фоиз), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш фаолият турида 162,6 млрд. сўм, (3,2 фоиз), қурилиш фаолияти турида 266,8 млрд. сўм (5,3 фоиз), ташиш ва сақлаш фаолият турида 208,0 млрд. сўм (4,1 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 152,4 млрд. сўм (3,0 фоиз), ахборот ва алоқа фаолият турида 26,2 млрд. сўм (0,5 фоиз), таълим соҳасида 165,9 млрд. сўм (3,3 фоиз), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 822,3 млрд. сўм (16,4 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

### 2019 йилнинг январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби



## Ишлаб чиқариш объектларни ва қувватларни ишга тушириш

2019 йил январь-июнь ойларида янги қурилиш, модернизация ва реконструкция қилиш ҳисобига ишлаб чиқариш объектларни ва қувватларни ишга тушириш қуйидаги маълумотлар билан акс эттирилган:

	<i>Ишга тушириш</i>	<i>Асосий фондлар қиймати, млн.сўм</i>
--	---------------------	--

### «Газлинефтгазқазибчиқариш» МЧЖ

қудук	4	147139,5
-------	---	----------

*Корхона ва ташкилотларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, ҳамда кенгайтиришга инвестициялар ҳажми 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан 30,8 пунктга ошди.*

*Бухоро вилояти асосий капиталга инвестициялар бўйича корхона ва ташкилотларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, ҳамда кенгайтиришга инвестициялар улуши – 41,0 фоизни ташкил этди.*

2019 йилнинг январь-июнида 2530,6 млрд. сўм (доллар эквивалентида 300,2 млн. АҚШ долл.) ёки 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан 89,1 фоиз асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 50,4 фоизни ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Бухоро шаҳри (35,5 фоиз), Олот (19,9 фоиз) ва Ромитан (15,0 фоиз) туманларида кузатилди.

**Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш,  
кредитларни қўшган ҳолда**

	<i>Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд. сўм</i>		<i>Хорижий инвестициялар, жамига нисбатан % да</i>	
	<i>жами</i>	<i>шу жумладан, кредитлар</i>	<i>жамига</i>	<i>Асосий капиталга инвестициялар</i>
<b>Бухоро вилояти</b>	<b>2530,6</b>	<b>933,8</b>	<b>100,0</b>	<b>50,4</b>
Бухоро ш.	899,0	221,7	35,5	58,6
Когон ш.	145,1	120,0	5,7	78,6
туманлар				
Бухоро	44,5	-	1,8	21,0
Вобкент	27,6	-	1,1	24,1
Жондор	84,6	0,8	3,3	32,9
Когон	65,3	-	2,6	27,8
Олот	502,5	93,8	19,9	70,0
Пешкў	202,8	110,6	8,0	62,4
Ромитан	379,7	365,1	15,0	57,9
Шофиркон	55,5	12,6	2,2	34,4
Қоракўл	70,7	-	2,8	36,9
Қоровулбозор	26,0	-	1,0	33,8
Ғиждувон	27,3	9,2	1,1	7,7


### Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш (млн. АҚШ долл.)



Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 300,2 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан 255,9 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларни, ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 85,2 фоиз ташкил этди.

Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2019 йилнинг январь-июнида 2157,1 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 77,9 фоизни ташкил қилди.

### Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби



Иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар қайта ишлаш саноати фаолиятига 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан 28,2 пунктга (жамига нисбатан улуши 28,6 фоиз) кўпайди, тоғ-кон саноатида 64,6 пунктга (30,8 фоиз) камайди. Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида 18,6 пунктга (20,1 фоиз) кўпайди.

## Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 822,3 млрд.сўм ёки 52,9 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2019 йилнинг январь-июнь ойларида умумий майдони 838,8 минг кв.м. бўлган 3562 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 125,2 фоиз), шу жумладан, қишлоқ жойларида 581,7 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 110,2 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

### Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш (2019 йил январь-июнь ойлари)

	<i>Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан:</i>			
	<i>Ишга туширилди</i>		<i>2018 йил мос даврига нисбатан % да</i>	
	<i>жами</i>	<i>жумладан қишлоқ жойларда</i>	<i>жами</i>	<i>жумладан қишлоқ жойларда</i>
Турар жойлар умумий майдони, <i>минг кв.м.</i>	<b>838,8</b>	<b>581,7</b>	<b>125,2</b>	<b>110,2</b>
<i>улардан:</i>				
якка тартибдаги турар жойлар	809,0	581,7	124,7	113,0
намунавий лойиҳалар асосида шаҳар ва қишлоқларда қурилган якка тартибдаги турар жойлар	6,7	-	50,8	-
Касалхоналар, <i>ётоқ</i>	-	-	-	-
Поликлиникалар (ҚВП ларни қўшган ҳолда), қатнов	100	-	-	-
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, ўқувчи ўрни	-	-	-	-
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни капитал таъмирлаш, бирлик	-	-	-	-
Мактабгача таълим муассасалари, ўрин	120	120	-	-
Мактабгача таълим муассасаларини капитал таъмирлаш, бирлик	1	1	-	-
Сув тармоғи, км	125,4	125,4	16,6	16,6
Газ тармоғи, км	3,3	3,3	62,3	62,3

2019 йилнинг январь-июнида умумий майдони 838,8 минг кв.м (2018 йилнинг мос даврига нисбатан 125,2 фоиз) бўлган 3951 хонадонга эга 3,6 минг турар жойлар, жумладан 581,7 минг кв.м. (110,2 фоиз) қишлоқ жойларда ишга туширилди.

**2019 йилнинг январь-июнида ишга туширилган турар жойлар**

	<i>Ишга туширилди, жами</i>		<i>Улардан: якка тартибдаги турар жойлар</i>	
	<i>минг кв.м</i>	<i>2018 йил январь-июнь % да</i>	<i>минг кв.м</i>	<i>2018 йил январь-июнь % да</i>
<b>Бухоро вилояти</b>	<b>838,8</b>	<b>125,2</b>	<b>809,0</b>	<b>124,7</b>
Бухоро ш.	101,4	129,3	71,6	91,3
Когон ш.	5,9	143,8	5,9	143,8
<i>туманлар</i>				
Бухоро	79,2	124,9	79,2	127,1
Вобкент	37,7	121,2	37,7	128,0
Жондор	57,8	96,3	57,8	98,5
Когон	78,3	95,7	78,3	96,9
Олот	97,8	140,9	97,8	142,9
Пешкў	64,0	110,3	64,0	112,1
Ромитан	66,0	97,1	66,0	98,8
Шофиркон	45,1	102,3	45,1	104,6
Қорақўл	41,1	97,6	41,1	100,1
Қоровулбозор	3,3	40,7	3,3	46,9
Ғиждувон	161,2	2,6 м.к.	161,2	2,7 м.к.

Умумий майдони 809,0 минг кв.м. ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 124,7 фоиз якка тартибда қурилган турар жойлар ишга туширилди.

Шу билан бирга, қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар қурилиши бўйича Давлат дастурининг бажарилиши натижасида 2019 йил январь-июнида умумий майдони 6,7 минг кв.м. бўлган 18 та турар жой, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 50,8 фоиз турар жойлар қурилиши яқунланди.



Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашга 35,5 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,3 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 21,4 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қурилишида 43,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,8 фоизини ташкил қилади.

Коммунал қурилиш соҳасида 125,4 км. узунликдаги ичимлик суви ва 3,3 км. газ тармоқлари ишга туширилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 125,4 км. ёки 100,0 фоизи ва газ тармоқларининг 3,3 км. ёки 100,0 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.


Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 27,2 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,6 млрд. сўм (2,3 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди. Газ тармоқларининг қурилишига 0,2 млрд.сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,04 млрд.сўм (22,4 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2019 йил январь-июнда 2296,2 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2018 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 117,6 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 66,0 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 34,0 капитал таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

### Шаҳар ва туманлар қурилиш ишларининг ўсиш суръати, фоизда

(январь-июнь)




Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги туманларда кузатилди: Гиждувон туманида 154,7 фоиз ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 47,4 фоиз пунктга кўпайди, мос равишда, Шофиркон туманида 120,2 фоиз (9,9 фоиз пункт), Бухоро туманида 132,4 фоиз (20,7 фоиз), Бухоро шаҳрида 132,3 фоиз (26,9 фоиз пункт) ни ташкил этди.

#### Худудлар кесимида қурилиш ишлари

	<i>Жами, млрд. сўм</i>	<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан % да</i>	
		<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>
<b>Бухоро вилояти</b>	<b>2296,2</b>	<b>6,1</b>	<b>93,9</b>
Бухоро ш.	513,5	8,9	91,1
Когон ш.	54,7	1,2	98,8
туманлар			
Бухоро	200,8	6,0	94,0
Вобкент	71,8	3,7	96,3
Жондор	117,8	5,3	94,7
Когон	209,1	0,1	99,9
Олот	188,4	3,7	96,3
Пешкў	124,2	3,3	96,7
Ромитан	177,2	12,9	87,1
Шофиркон	167,0	9,8	90,2
Қорақўл	97,9	19,1	80,9
Қоровулбозор	131,2	0,3	99,7
Гиждувон	242,6	1,8	98,2

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 2155,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 93,9 фоизни (2018 йил январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 116,0 фоизни) ташкил қилди.


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари  
(млрд.сўм)**



Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 72,1 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 14,7 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 13,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 2155,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 93,9 фоизни (2018 йил январь-июнга нисбатан 1,3 фоизга камайган) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



Ҳисобот даврида бино ва иншоотлар қурилиши бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 1656,3 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 123,6 фоизни, мос равишда, фуқаролик қурилиши объектлари бўйича қурилиш ҳажми 336,3 млрд. сўмни (ёки 110,6 фоизни), ихтисослаштирилган қурилиш ишлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми 303,6 млрд. сўм (ёки 98,6 фоизни) ташкил қилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми**

*(млрд. сўм)*

	<i>Қурилиш ишлари, хизматлар жами</i>	<i>шу жумладан иқтисодий фаолият турлари:</i>		
		<i>Бино ва иншоотлар қурилиши</i>	<i>Фуқаролик қурилиши объектлари</i>	<i>Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари</i>
<b>Бухоро вилояти</b>	<b>2296,2</b>	<b>1656,3</b>	<b>336,3</b>	<b>303,6</b>
Бухоро ш.	513,5	337,1	113,7	62,7
Когон ш.	54,7	39,8	4,0	10,9
туманлар				
Бухоро	200,8	162,5	10,6	27,7
Вобкент	71,8	59,7	4,8	7,3
Жондор	117,8	104,7	9,3	3,8
Когон	209,1	123,1	69,5	16,5
Олот	188,4	118,3	7,1	63,0
Пешкў	124,2	110,5	10,6	3,1
Ромитан	177,2	131,8	30,0	15,4
Шофиркон	167,0	123,7	29,0	14,3
Қорақўл	97,9	74,1	19,1	4,7
Қоровулбозор	131,2	55,2	21,8	54,2
Ғиждувон	242,6	215,8	6,8	20,0

Вилоятда бажарилган қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий қисми бино ва иншоотлар қурилиши (1656,3 млрд.сўм) га тўғри келиб, вилоят умумий ҳажмида 72,1 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга, фуқаролик қурилиши (336,3 млрд. сўм) объектлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари вилоят умумий ҳажмининг 14,7 фоизни ҳамда ихтисослаштирилган қурилиш (303,6 млрд. сўм) ишлари 13,2 фоизни ташкил этди.